

Ishonch


O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлуги

Ободлик, орасталик — элу юрт файзи



Покиза ая исмига монанд покизамкини, саранжом-сариншталкини хуш кўради. Қачон борсангиз, кенг ҳовлиси чинидек тоза бўлади. Ариқ бўйига экилган, шабадада оушта чайқалаётган гулу райхонлар кўрку ифоридан дилингиз яйрайди, димоғингиз чоғ бўлиб, ҳузурланасиз...



Халқимиз ўзи яшаётган маскани обод этишни инсоний бурчи, деб билади. Бўйрадек ери бўлса ҳам дарахтлар, гулу райхонлар, жамбиллар экеди. Онахонлар қизу келинларига «Остонанг доимо озода бўлсин», деб насихат қилади. Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида бу каби қадимий анъана ва қадриятларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиди. «Яхшидан боғ қолади», «Ободлик кўнгилдан

бошланади», деган ҳикматли сўзлар халқимиз орасида кенг тарқалиб, эзгу даъватга айланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 февралдаги «2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қатор ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартда қабул қилинган фармойиши асосида бу борадаги ишлар ушқоқлик билан ташкил этилмоқда. Март-апрел ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлуги, деб эълон қилинди. Унинг доирасида 12-13 март кунлари ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашари Наврўз умумхалқ байрамига муносиб тараддуд кўриш, халқимиз ораси-

да ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатликни янада кучайтириш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Бу йил баҳор эрта келиб, халқимиз маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳар қачонгидан барвақт бошлаб юборди. Ҳашарлар ташкил этилмоқда. Кўча ва хиёбонларга манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилаётди. Маҳалла ва тураржойлар орасталаниб, ариқ-зовурлар тозаланиб, табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилмоқда.

Ўтганларнинг руҳини шод этиш, улар ётган жойларни обод қилиш — Наврўз айёмининг умуминсоний жиҳатларидан бири. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ўтганлар руҳини шод этайлик», «Ҳар бир ёшга бир ниҳол», «Ҳашар ёшларга ярашар» каби қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг ўтказилаётгани юртимизда инсон олий қадрият, хотираси табаррук эканлигининг ифодасидир.

Ушбу тадбирлар доирасида қабристонлар турли чинкидилардан тозаланиб, атрофи деворлар билан ўралмоқда. Бундай эзгу юмушлар ҳар биримизни ҳамжихатликка, юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асрашга чорлаётди.

»(3).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йилнинг 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида белгиланган сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди. Мажлисида сенаторлар, Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жағғармаси раҳбарлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавий тарғибот маркази вакиллари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ўтказиладиган ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб борилади. Жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтказилаётган мазкур сайлов тадбир ташкилотчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Сайловни ташкил этишнинг дастлабки босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сайлов ўтказиш борасида билим ва тажрибага, аҳоли орасида обрў ҳамда хурматга эга бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутатидан иборат таркибда ишчи гуруҳларини тузиш режалаштирилмоқда.

Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари сайловни ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлаш, уни ташкил этиш ва ўтказишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдидан турган устувор вазифаларни баҳаршириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида кенг ёритиб бориш масалаларига эътибор қаратдилар.

Шу куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга бағишланган брифинг ташкил этилди.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортиқова белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларнинг сайловда иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш бериш, сайлов жараёнидаги барча иштирокчиларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз роя этишга эришиш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, уларнинг ахлоқий ҳамда ишлаш хусусиятлари билан таништириш энг муҳим вазифалар ҳисобланишига эътибор қаратди.

Ҳозирги вақтда Сенат Кенгаши комиссияси фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнининг қонунийлигини, очик-ошкоралигини таъминлаш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини кенг тушунтириш, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичлари очик-ошкоралигини таъминлаш мақсадида худудларда сайловни ёритиб боришга масъул бўлган ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам таъкидланди.

Брифинг сўнггида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни тўғрисида ОАВ мунтазам равишда хабардор этиб борилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Муносибат

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида аёллар шаънига айтилган самимий фикрлар кўнгилни тўғдек кўтариб, янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундади.

Аёлга эҳтиром оилага, жамиятга эҳтиромдир

Табриқда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинаётгани эътироф этиб ўтилади. Бундай ғамхўрлик эса бизга ўз қобилият ва салоҳиятимизни рўёбга чиқаришда мўлаҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани айтиш ҳақиқатдир. Шу боис Ўзбекистон аёллари бугун илм-тафаккури, истеъдоди ва ўзига хос заковати билан дунёни қўйил қолдирмоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу

мақсадда Федерация Хотин-қизлар кенгаши, тармоқ касабаси уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар хотин-қизлар комиссиялари томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қизларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шартлоплари яратилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Кези келганда, касабаси уюшмаларининг хотин-қизлар кенгаши вакиллари жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш жараёнида уларга ишловчи аёллар учун қатор имтиёзлар киритилишига эришаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Эзгу фаолиятимиз Президентимиз эътироф этган соғлом болани дунёга келтирувчи шахс — онанинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

»(2).

Фахр

Халқаро танлов ғолиблари тақдирланди

Жорий йилнинг 1-6 март кунлари Кипрнинг Протарас шаҳрида математика фани бўйича «SEEMOUS» ўнинчи халқаро олимпиадаси ўтказилди. Унда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси иккита олтин медални кўлга киритди.



Шу муносибат билан ташкил этилган тадбирда университет ректори Ш.Сирожиiddинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши, замонавий таълим-тарбия олиши ва ўз истеъдодини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида замон талабларига тўла мос келаётган миллий таълим тизими яратилди.

Мамлакатимизда фан-таълим изчил ривожланмоқда. Замонавий билим масканларида жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз халқаро миқёсда ташкил этилаётган нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, юксак интеллектуал салоҳияти, кенг тафаккури ва эҳёни билан дунё аҳли ҳавасини уйғот-

моқда. Кипрда бўлиб ўтган халқаро олимпиадада Ўзбекистон ёшлари муваффақиятли қатнашгани ҳам бунинг ёрқин исботидир. Кипр таълим ва маданият вазириги, математика жамияти томонидан ташкил этилган мазкур интеллектуал беллашувда йигирмадан ортиқ мамлакатдан 43 университет жамоасининг 150 дан зиёд иқтидорли талабалари иштирок этди.


Танловда Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факултети 2-курс талабалари Ҳакимбой Эгамберганов ва Шоҳруҳ Иброҳимов биттадан олтин медал, Мирмуҳсин Маҳмудов махсус диплом билан тақдирланди.

— Математика фанига болалигимдан қизиқман, — деди Ш.Иброҳимов. — Халқаро мусобақада Ватанимиз шон-шухратини намоён этганимиз озод ва обод Ўзбекистонда биз, ёшлар учун яратилган чексиз имкониятлардан баҳраманд бўлиб вояга етаётганимиз ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлод қамолотига қаратаётган юксак эътибори, таълим олишимиз учун яратилган қўлай шарт-шароитлар илм-фанга меҳримизни янада оширмоқда, жаҳонда мамлакатимизнинг шарафини мустаҳкам ҳимоя қилишимизга асос бўлмоқда. Ватанимизнинг илм-фан соҳасидаги мавқени янада юксалтиришга ўз хиссамни қўшиш ниятидаман. Ўзбекистондек осмонни мусаффо, фаровон мамлакат фарзанди эканимдан фархланман.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга дипломлар топширилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, УЗА мухбири.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (УЗА) олган сурат



Ходимлар манфаати таъминланмоқда

>> 2



Ерга эгилганнинг қадди адл бўлар

>> 3



Турнир яқунланди

>> 4

Аёлга эҳтиром оилага, жамиятга эҳтиромдир



Ў(1).
Бу борада Тошкент шаҳар касаб-ушма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар комиссияси ҳам қўллаб-қўллаб хайрли ишлар амалга оширолмоқда. Жумладан, меҳнат жамоаларида хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясининг таъминланиши, улар учун меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилишининг ҳолати мунтазам ўрганилиб, зарур ҳолларда иш берувчиларга аниқ таълим ва тасвиалар берилмоқда. Нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам комиссиянинг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олган. Қўшма, хусусий ва оилавий корхоналарни касаб-ушмаларига жалб этиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг локал ҳужжатларда кўзда тутилган имтиёз ва қўлайликлардан фойдаланишини таъминлашга жиддий ёндашилмоқда.

Яқинда комиссия томонидан нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган бизнес ва ху-

лари ишлаган иш соатлари, иш вақтидан ортиқ ишлаган соатлари учун икки баробар иш ҳақи тўланиши каби масалалар киритилиб, ижроси таъминланмоқда. «Тоҳинисо Файз» хусусий корхонасида 17 нафар ходим хизмат қилади, шундан 15 нафари аёллардир. Ҷеҳда улар учун шахсий гигиена ҳамда овқатланиш, дам олиш хоналари бор. Корхона жамоа шартномасида қўллаб-қўллаб имтиёзлар акс этган. Жумладан, тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёллар иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ иш билан таъминланади. Ҳомиладор ҳамда ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар тунги ҳамда иш вақтидан ташқари, дам олиш кўнралидаги ишларга жалб қилинмайди. Аёлларга йиллик таътилни бериш қонунчилиқда белгиланган имтиёзлар асосида — биринчи иш йилида олти ой ўтмасдан, ҳомиладор ҳамда ёш болали аёлларга йиллик таътиллари уларнинг хоҳишига кўра амалга оширилмоқда.

Ўрганиш жараёнида иш берувчига ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан сўғурта қилиш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида тасвиалар берилди.

Режаларимиз кўп. Чунончи, аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги, қизлар тарбияси ва маънавиятини юксалтириш каби қадриятлар тарғиботи янада кенгайди. Президентимиз таъкидлаганидек, «...хотин-қизларимиз учун янада қўлай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини энгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намойиш этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак».

Гулноза ТОШПҲАТОВА,
Тошкент шаҳар касаб-ушма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар комиссияси раиси



сусий тадбиркорлик билан шуғулланган хотин-қизлар учун иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларининг таъминланганлиги аҳоли ўрганилди.

Шаҳримиздаги «APICIS MED» корхонасида қабул қилинган жамоа шартномасига 3 ёшгача боласи бор ишловчи оналар учун қисқартирилган иш ҳафтаси, тиббиёт ходимлари учун 36 соат иш ҳафтаси, 12 ёшгача икки ва ундан кўп боласи, 16 ёшгача ногирон боласи бор оналар учун меҳнат таътилига 3 кун қўшимча таътил берилиши, байрам ва дам олиш кун-



Касаб-ушмаси — ёшларнинг ҳамкори ва таянчи

Махсус жадвал асосида

Ёшларнинг камол топиши, ижодий иқтидорини рўёбга чиқиши учун етарлича шарт-шароит яратиш ҳамда кафолатли йўлларидан бири, бу улар бандлигини таъминлашдир.

Шу мақсадда Наманган вилоятида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг келгусида тадбиркорлик ва ўз бизнеси йўналишида фаолият кўрсатиши, айна вақтда қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид билимларини бойитишга қўмаклашиш мақсадида касаб-ушма ташкилоти масъул ходимлари томонидан ўқув-масъуллар ўтказилмоқда.

Косонсой қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик ҳамда Педагогика ва сервис касб-хунар коллежлари битирувчи талабалари иштирокида ўтган ўқувда ишга жойлаштиришдаги имтиёзлар ва меҳнат кафолатлари ҳамда Меҳнат кодексининг бир қатор моддалари бўйича тушунтиришлар берилди. Ўқувчилар саволларига вилоят касаб-ушма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Раҳимжон Содиков батафсил жавоб қайтарди.

Феруза ЭРМАТОВА

Ўтган йили шаҳримиздаги тўққизта касб-хунар коллежини 3173 нафар ўқувчи 43 та мутахассислик бўйича битирди. Касби бўйича ишга жойлаштириш назарда тутилган уч томонлама шартномаларнинг тузилаётгани битирувчилар бандлигини таъминлашда асқотмоқда.

Таҳсинга лойиқ

Жиззах энгил саноат касб-хунар коллежини тамомлаган Хусния Ҳамдамова «Орзу текстил» корхонасида амалиёт ўтаган эди. Касбга бўлган меҳри, қолаверса, тиришқоқлигини пайқаган корхона маъмурияти у билан уч томонлама шартнома тузди. Бугунга келиб, Хусния илгор ишчилардан бирига айланди.

Шаҳримизда Хусния сингари битирувчиларни корхонага ишга жойлаштириш таҳрибаси кенг қўлланилаётган. Чунки амалиёт даврида ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишиб, янги технологияларни жорий қилишда бевосита иштирок этиш

бўлажак мутахассисларнинг билим ва малакасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Битирувчи, иш берувчи ва таълим муассасаси ўртасида имзоланган шартномалар ижросини назорат қилишда фуқаролар йиғини фаоллари ҳам муносиб қатнашаёти. Ёшлар бандлигини таъминлашда олдинги йилларда тўпаланган илгор тажрибалар ишга солинаётгани, ҳудудларда замонавий корхоналар фаолият бошлаётгани қўл келаяпти.

Сўнгги беш йилда шаҳримизда 467 та корхона ишга туширилди. 2015 йилнинг

ўзида умумий қиймати 153 миллиард 454 миллион сўмлик 46 та лойиҳа амалга оширилиб, 1010 та янги иш ўрни яратилди.

Шаҳримиздаги корхоналар сони яқинда яна биттага кўпайди. «Қалия» маҳалласида «Жиззах гранд текстил» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Корхона йилига 2,5 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлардан 97 нафари, жумладан, 64 нафар қиз ўтган йили касб-хунар коллежини битирган эди. «Жиззах гранд текстил»да 60 та иш ўрни ташкил этилган бўлса, унинг асосий қисмини ана шу ёшлар банд этди.

Маҳаллалардаги ёшлар, айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш орқали ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигига ҳам эришиляпти.

Рустам ИСОҚОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб-ушмаси Жиззах шаҳар кенгаши раиси

Жамоа шартномаси — амалда

Ходимлар манфаати таъминланмоқда

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акционерлик жамиятида жамоа шартномасининг бажарилиши яқунларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда иштирокчилар томонидан жамоа шартномаси мажбуриятлари бажарилиши бўйича акционерлик жамияти бошқаруви раиси А.Фармонов ва касаб-ушма кенгаши раиси А.Ҳайдаровларнинг ҳисоботи муҳофизат қилинди.

Сўзга чиққанлар ишлаб чиқариш суръатини ошириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар билан бир қаторда, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш соҳасида комбинат маъмурияти ва касаб-ушма кенгаши ҳамкорлигида қатор ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлашди. Хусусан, ўтган

йил давомида комбинатда ходимлар иш ҳақи кўтарилгани, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ижроси бўйича таркибий тузилмалар ходимларига бир марталик мукофот пуллари берилгани қайд этилди. Шунингдек, кўп йиллардан бери мазкур корхонада меҳнат қилиб келаётган ходимларни рағбатлантириш, уларга меҳнат таътили даврида қўшимча тўловлар бериш ишлари амалга оширилганлиги ҳам алоҳида эътироф этилди.

Энг муҳими, жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича битиминида кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун 326,1 млн. сўм йўналтирилиб, 1600 нафар ходим, шу жумладан, 188 нафар ишловчи аёлларнинг меҳнат шароитлари яхшиланшига эришилган. Корхона санаторий-профилакторийсида 3859 нафар, республикадаги

санаторийларда 675 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли равишда соғломлаштирилган. Бундан ташқари, комбинат тизимидagi болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ходимларнинг 3140 нафар фарзанди, шу жумладан, 239 нафар ўғил-қиз бепул дам олдирилган.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, комбинат маъмурияти ҳамда касаб-ушма кенгаши ижтимоий шериклигида ёшлар ва аёлларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилган.

Конференцияда «Олмалик кон-металлургия комбинати» акционерлик жамияти жамоа шартномасининг бажарилиши қоникорлиги деб топилди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Мухаббат УРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаб-ушмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари

Сарҳисоб

«Ангрел логистика маркази» акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг бажарилиши яқунларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Самарадорлик — асосий мезон

Корхона директори Ботир Абдураимовнинг таъкидлашича, ўтган йили ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун маъмурият ҳамда касаб-ушма ташкилоти томонидан қўллаб-қўллаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, ишчиларни бепул иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадлари учун йил давомида 39 млн. 126 минг сўм харажат қилинди. Юбилейларини нишонлаган ходимлар ўртасида ойлик иш ҳақи микдорига тақдирланди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали даромадни кўпайтириш, ижтимоий муҳофазани янада кучайтириш, меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигига эришиш, касаб-ушма ташкилоти билан ижтимоий шериклик тамойиллини янада мустаҳкамлаш корхона маъмуриятининг жорий йилдаги асосий фаолият йўналишларидан эканлиги таъкидланди.

— Йил давомида корхонада қўллаб-қўллаб оммавий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилди, — деди касаб-ушма кўмитаси раиси Шаҳидулла Қосимов. — 60 нафар фарзандларимиз болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, маъмурият ва касаб-ушма ташкилоти жамоа шартномасига асосан ҳимойлик масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Ангрел шаҳридаги 13-умумтаълим мактабига, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилоят филиалига ҳимойлик ёрдами кўрсатилди. Шаҳардаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини идорасини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларига қўмаклашилди.

Муҳофизатда сўзга чиққан ҳисобчи Зиёла Рашидова, меҳнат муҳофазаси ва ёнги хавфсизлиги бўйича бош мутахассис Дмитрий Маурин, тармоқ касаб-ушмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов, Тошкент вилояти тармоқ бирлашган касаб-ушма кўмитаси раиси Жаҳонгир Алиқуллов ва бошқалар галдаги долзарб вазифалар ҳақида сўз юритишди.

Конференцияда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нёҳмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тизимли ишлар таҳлили

Соҳа корхоналари томонидан 2014 — 2016 йилга тасдиқланган тармоқ келишувининг 2015 йилда бажарилиши тўғрисида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу масала юзасидан ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаб-ушмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишонқўжаев ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, йил давомида Республика кенгаши ва тизимдаги бошланғич ташкилотлар томонидан муайян ишлар бажарилиди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ҳамда меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. Шунингдек, тизимдаги корхоналарда кекса ходимларнинг даврий тиббий кўриги ташкил этилди. Маълумки, белгилаб олинган устувор ва долзарб вазифалардан бири — ишчи-хизматчиларни спорт орқали соғломлаштириш бўлиб, «Соғлом она — соғлом авлод гарови» шiori остида ўтказилган мусобақа, айтиш мумкинки, оммавийликка қўшган ҳиссаси билан ажралиб турди.

Яна бир муҳим масала, «Ўзбектелеком» АК тасарруфидagi болалар соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар асосида тизимли ишлар амалга оширилди. Режа асосида Навоий филиали ходимларининг фарзандлари Жиззах, Бухоро вилоятлари ҳамда вилоят ҳудудидаги Қизилтепа, Томди туманларидаги оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Йиғилиш яқунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Хайъат раиси Х.Мирзохидов тармоқ, тариф келишувлари ҳамда жамоа шартномалари бажарилишини таҳлилий-танқидий муҳокама этиш, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишда касаб-ушма ташкилотларининг фаолиятини ошириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мухаббат НОРҚУЛОВА,
«Ўзбектелеком» АК Навоий филиали касаб-ушма кўмитаси раиси

Муштарак ниятлар

«Фусункор» ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятида жамоа шартномасининг 2015 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамият директори ўринбосари И.Раҳмонов ва бошланғич касаб-ушма кўмитаси раиси Н.Тешабоева ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот бердилар.

Таъкидлаш жоизки, жамоа шартномасида ходимлар даромадини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган бўлиб, хусусан, меҳнат муҳофазаси соҳасида қўнқиликка, қонда ва йўриқномаларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани ўз самарасини бераётган. Ходимлар истаган вақтда касаб-ушма кўмитасига мурожаат этиб, барча масалаларда тегишлича қўмак ёки маслаҳат олиши мумкин. Жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида ушбу йўналишлардаги масалалар таҳлил этилиб, атрофдаги муҳокама қилинди.

«Фусункор» масъулияти чекланган ишлаб чиқариш жамияти таъсисчиси С.Содиқова сўзга чиқиб, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури асосида ишловчи аёлларга янада эътиборини кучайтириш ҳамда ишчи-хизматчилар учун спорт комплексини ташкил этилишига оид масалаларга тўхталиб ўтди.

Йиғилиш яқунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва улар натижасида эришилаётган ютуқ ҳамда муваффақиятлар, шунингдек, меҳнаткашлар учун яратилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

А.АБДУРАИМОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаб-ушмаси Андижон шаҳар кенгаши раиси

Хабар

Тахтақўпир туманида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Байрам туҳфаси

Марказининг ишга туширилиши 20 минг одам истиқомат қиладиган ҳудуд аҳолиси учун байрам туҳфаси бўлди. Барча қўлайликка эга махсус хоналар, 400 ўринли зал замонавий кўринишда қайта жиҳозланди.

Янги миллий мусиқа асбоблари билан таъминланган «Шўгла» халқ чолғулари ансамбли аҳоли хизматида. Бахшичилик, миллий оёқ ўйини, драма ва бичиш-тиқиш тўғрақлари кўп қўламли кўрсаткичларини ўзига жалб этган. «Маърифатхона» эшиги ўқувчилар учун доимо очик.

— Марказимизда 25 киши иш билан таъминланган, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Баҳодир Мамбетқаримов. — Замонавий қўнақ касб этган бино атрофига мевали, манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилиб, кўккаламзорлаштирилди.

Марказда маданий-маърифий ва спорт тадбирлари бошлаб юборилди. Байрам арафасида хотин-қизлар ўртасида оилавий спорт мусобақаларининг ташкил этилиши фикринизга мисол бўла олади.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Томорқа — даромад манбан

Ерга эгилганнинг қадди ади бўлар



рели фойдаланишга ҳаракат қилилган. Томорқанинг даромаду ҳаражатлари ҳақида Исқандар ака эътиборни тортадиган далилларни тилга олди.

— Иссиқхонамизнинг ўзидан йилига ўртача 35 млн. сўм даромад оламиз. Ҳаражатлар эса 7-8 млн. сўм атрофида бўлади. Қолган 8 сотих томорқамизда эса 40 туп аноримиз бор, сабзавот етиштирамиз. Кўчатларни аввал ўз бозорларимизда сотардик. Эндиликда маҳсулотларнинг 80 фоизи Тошкентга олиб кетилаяпти.

Танишишда давом этамиз. Тадбиркор Содиқ Азимов оиласи ўзига тегишли 10 сотихли томорқанинг ҳаммасини иссиқхонага айлантирганлигини кўрдик. Хонадон соҳибининг гапига қараганда, улар ҳар йили плёнка остида парварилланган помидор кўчатларидан 10-12 тоннагача ҳосил олишаркан. Пишиб етилган ноз-неъматдан нафақат Бухоро, балки Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, ҳатто Россия аҳолиси ҳам баҳраманд бўляпти.

— Иссиқхонада кўчатларни томчилатиб суғоришни йўлга қўйганмиз. Исотиш табиий газ билан эмас, балки ўтин ва кўмир билан амалга оширилади, — дейди хонадон бекеси Марзия Фозилова. — Биз эндиликда 10 сотих майдонимизда «термос» усулидаги яхлит иссиқхона ташкил этмоқчимиз. Чамалаб чиқдик, бу усул иссиқхонадаги ҳаражатлар миқдорини кескин камайтиради. Утган йили даромадимиз 70 млн. сўм, ҳаражатимиз 20 млн. сўм бўлган эди. Ўғлим Собиржоннинг коллежини битириб, агрономлик мутахассислигини эгаллаб келгани юкимизни енгил қилди. Энди у ниҳолларни озиклантиришни, уларга кимёвий ишлов беришни ўзи бажараяпти. Экинлар парваришида назарий билимларини қўламамиз.

ҚФЙ кишлоқларида эртанги кун фаровонлиги учун астойдил интилаётган аҳоли озик-овқат маҳсулотлари мўл-қўллигини таъминлаш йўлида кенг қўламли ишларни амалга оширомоқда. Аҳоли паррандчилик, чорвачилик, лимончилик, богдорчилик ва асарларичиликни янада ривожлантиришга ҳам қатъий бел боғлаган. Зеро, ҳалол меҳнат ордиган келаятган даромадининг баракаси бошқача бўлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Отбозор» кишлоқ фуқаролар йиғини — ер билан тиллашишда доврғи кетган асл деҳқонлар, соҳибкорлар маскани. Улар етиштирган кишлоқ ҳўжалик озик-овқат маҳсулотлари нафақат Бухороий шарифда, балки қўшни вилоятлар, ҳатто пойтахт бозорларида ҳам харидорғир. Бир пайтлар «Фурбун анорлари» билан республика аҳлини қойил қолдирган миришкорлар бугун дастурхон неъматларининг бошқа турини кўпайтиришда ҳам ўзига хос тажрибага эга.

9 минг нафардан ортиқ аҳоли истиколат қилаётган мазуру йиғин ҳудудида 12 та кишлоқ мажбури. Шахсий томорқадан юқори ҳосил олишда, даромади эвазига турмушини фаровон қилишда уларга тенг келадигани камдан-кам. Ҳар бир оила ихтиёридаги ернинг қариқини ҳам бўш қолдирмайди. Ҳатто қиш-кировли кўнларда ҳам иссиқхоналарда етиштирилган помидор, бодиринг, қарам, пидё, турли кўкат ва бошқа сабзавотлар оила эҳтиёжини таъминлабгина қолмай, бозорлар пештахталарини тўлдирмоқда.

Биз кишлоқ фуқаролар йиғини томорқачилари фаолияти билан танишиш мақсадида таширф буюриб, вилоятдаги қасаба

Анжуман

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан «Тадбиркорлик ривожини — фаровонлик гаровини» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Солиқ тизимидаги янгиликлар

Тадбирда таъкидланганидек, солиқ қонунчилиғи соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиши, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроеқномий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги Қарорига асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилди. Шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёزلар муддати узайтирилди. Хусусан, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоздан 5 фоз қилиб белгиланди.

Нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Анжуман иштирокчилари томонидан берилган саволларга мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз

Ободлик, орасталлик — элу юрт фэйзи

Қ.1)

Ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиғи давомида турар жой даҳалари ва маҳалларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дараклар ниҳоллари экиш, оқлаш ва буташ, кўчалар, йўлақларни тартибга келтириш, қурилиш ва майиш чикиндиларни тўлаш, белгиланган жойга олиб чиқиш, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бино ва ҳовлилар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар, ариқ ва лотокларни, болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари бажарилади.

Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашишдек эзгу ишлар амалга оширилади. Бу хайрли юмушларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ҳамда ташкилотлар ходимлари, талабалар, умуман, кенг жамоатчилик вақиллари фаол иштирок этмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, яшил ҳудудларнинг кенгайтирилиши нафақат атрофга гузаллик бағишлайди, балки санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Район, жамбир, гултожхўроз каби гуллар чанг-ғуборларни камайтириб, одамларга яхши ҳайфийт беради. Микроиқлимни яхшилайди. Ном «вуқуди хушбўй усимлик», «доимий қувонч» маъноларини аниқлашчи район халқимизда доривор ва зирворлиги билан ҳам жуда қадрланади. Овқатга хушбўй хид ва ёқимли маза берадиган жамбирнинг таркибида эфир мойи, турли витаминлар мажбури, Ибн Сино бобомиз тиш, тизза ва бел орғиқларида, ўпка, жигардаги турли хасталиқларни даволашда унда кенг фойдаланган. Гултожхўрознинг баҳамлик теъливи турличе гуллари узоқ вақт мафтуноқорлигини сақлаб қолади. Табабатда турли жароҳатларни, нафас олиш

аъзолари, тери, қон-томир, саратон касаллиқларини даволашда қўлланилади.

Бир гектар майдонга экилган игнабаргли дараклар 200 нафар одамни кислород билан таъминлайди. Йўл четига экилганлари транспорт воситаларидан чиқётган зарарли газларни ютиш хисобига ҳавони мусафо қиладди. 10 гектарга экилган каштан бир йилда 600-700 тонна чанг, 3-3,5 тонна олтингурт ва карбонат ангидрид гази оксидини ушлаб қолади ҳамда ҳавога 800 тонна кислород чиқаради. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўстирилаётган оқ акация, эман, мажнунтол, заранг, тилоғоҷ, оққарағай, настарин ва бошқа дараклар ҳам ана шундай хусусиятга эга.

— Бунёдкорлик, саранжом-сарияшлык, поклик, озодлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу феалиятлардир, — дейди қибрайлик Покиза ая Усмонова. — Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида гигиена қондаларига амал қилиш барибаради атроф-муҳитни тоза тутиш, ободончилик ишлари, ариқ ва анқорлар қазихи, бог-роғлар барпо этиш саломатлигини сақлашда муҳим восита эканини таъкидлади. Юртимизда уюшқоқлик билан амалга оширилаётган ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларида ана шундай пок ниатларимиз, эзгу орзу-мақсадларимиз ўз ифодасини топан.

Бу фикрлар нафақат Покиза аяннинг, балки ҳар бир юрtdошимизнинг қалбига кучаётган салимий туйғур десак, муболаға бўлмас. Зотан, Президентимиз Ислам Қаримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган бундай эзгу, хайрли сай-ҳаракатлар бугунги ва келажак авлодларини жисмонан ва маънан баркамол вақилоқ этишчи, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, Ватанимизни янада гузал ва обод этишдек эзгу мақсадларга хизмат қиладди.

Дилшод ҚАРИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Реклама ва эълонлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси 2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қиладди

Лот - 25. «Бухоро вилояти, Вобқет туманидаги тиббий бirlашмасини реконструкция қилиш (В1 шифо урнини тугрўқ бўлиминин ва 40 шифо урнини болалар бўлиминин мукаммал таъмирлаш)».

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 3 100 000 000 сўм (ҚҚС билан), 2 583 333 333 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 ноябр.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва тиббий маюссасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобидан молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдосларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрга киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишлари рўқсат берилди.

Танлов савдоси ташкилотчи — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нарҳларни шакллантириш худудий консалтинг маркази. Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузу-

ридаги иғона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

Талабор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг мазмуни 20 фозин миқдоридаги айланма маблағларнинг мажбурийи ёки қўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк қаролантомаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлиги тажрибаси ва қўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва хуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари катнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ни импортга отқазиб бериладиган танлов тақлифлари катнашчиларининг танлов тақлифларини ба-

ҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида катнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нарҳларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпланмининг қиймати — 120 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталарни) танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охириг муддати — оферталар очилиши кунин ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган қундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Тақлифлар (оферталар) очилишининг аниқ кунин ва соати талабор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади. Хизматлар лицензияланган.

Савол беринг, жавоб берамиз

Ногиронлик даври иш стажига қўшиладими?

САВОЛ: 2000 йили бахтсиз ҳодиса туфайли II гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. 2010 йилда меҳнат қобилиятим тиклангач, ишга чиқдим. Ҳозирда ёшга доир пенсияга чиқиш учун ҳужжат тайёрлаяман. Менинг 10 йил ногоиронлик даврим иш стажига қўшиладими?

Н.ТўРАЕВ, Қўқон шаҳри

Тахририятимизга, шунингдек, Деҳқонobod туманидан Намуна Холова қўнғирқ қилиб: «Бола парвариши даври иш стажига қўшиладими?» деган савол билан мурожаат қилди.

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, фуқаро ёшга доир пенсияга чиқиб етганда иш стажига қўшиб ҳисобланиши керак бўлган давр тўғрисидаги савол кўпчиликни қизиқтиради. «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 35-бандида бу масалага тўлиқ ойдинлик қилирилган. Унга қўра пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қуйидагилар қўшиб ҳисобланади:

1) фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юрйтиш шаклидан қатъи назар, ҳодим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

Бунда 1965 йилгача ва ундан кейин бўлган даврда жаммо ҳўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқиш алоҳида тартибга қўра амалга оширилади.

Шунингдек, ижодий фаолият билан машғул бўлган ижодий уюшмалар аъзоларига 1991 йил 1 январгача ва ундан кейин бўлган давр учун иш стажини ҳисоблаб чиқариш ҳам алоҳида тартибга қўрилади; 2) ҳарбий хизмат (шу жумладан, сафарбарлик қақриги резервидаги ҳарбий хизмат) ва партизанлар отрядлари ва қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларидаги ва ички ишлар органларидаги хизмат;

3) ҳарбийлаштирилган соқчиликда, махсус алоқа органларида ва идоравий

бўйсунувидан қатъи назар, қон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

4) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти ёки қорамол етиштириш ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларида етиштирилган чорвачилик махсулотларини сотиш бўйича фаолият;

5) қараб туриш вақти: 1 гуруҳ ногоиронига ёки 16 ёшгача ногоирон болага қараб туриш;

Ўғаларнинг парваришига муҳтож бўлган қарияларга қараб турилган вақт — 80 ёшга тўлган қария ўзанинг парваришига муҳтож бўлган давр.

Бунда I гуруҳ ногоиронини ёки 16 ёшгача ногоирон болани, шунингдек, ўғаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексага қараб туриш вақтинини ҳисоблаб чиқиш зарур бўлган иш стажига фақат қараб турган ва қараб туришга муҳтож бўлган шахс билан бирга яшаган шахслардан бирига қўшиб ҳисобланади;

6) олий таълим муассасаларида (шу жумладан, уларда ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштирилмаган ҳарбий таълим муассасаларида), аспирантурада (стажёрлар-тақриқчилар-изланувчилар институтида), докторантурада (ката илмий ходимлар-изланувчилар институтида) ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

7) бола 3 ёшга тўлгунга қадар, болани парварилаш таътилларида бўлиш вақти,

бирок жами кўпи билан 3 йил. Мисол: Агар 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ишлаётган ёл иш стажининг 8 йили мобайнида жами 3 болани парварилаш таътилларида бўлган бўлса, у ҳолда пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоблашда унга жами 25 йил иш стажига ҳисобланади (30 йил - 8 йил + 3 йил = 25 йил).

Болани парварилаш таътилида бўлиш (шу жумладан, пули тўланадиган таътилда бўлиш) даври ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди;

8) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапорщикларнинг, миқмалларнинг ва мuddатдан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшagan вақт, бироқ кўпи билан 10 йил;

9) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳужуматларо ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Н.Тўраевнинг 2000 — 2010 йилларда II гуруҳ ногоиронлигида бўлган даври (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўламаганлиғи учун) пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига кирмайди.

Саволларга Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти Бехзод ЖУМАЕВ жавоб берди.

Имтиёз қўлланилмайди

САВОЛ: II гуруҳ ногоирониман. Менга ер солиғи бўйича имтиёз бер. Томорқа майдонини яшайдиган ҳовлимдан 3 км. нарида жойлашган. Айтинг-чи, бу имтиёз ногоирон номидаги хонадон ери учун назарда тутилганми ёки унга тегишли бошқа ердаги томорқа ёхуд бог учун ҳам амал қилинади?

Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ, Паркент тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 290-моддасига асосан, I ва II гуруҳ ногоиронлари жисмоний шахслардан олинди-дан ер солиғидан озод этилган. Ушбу имтиёзлар яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон ҳўжалиги юритиш учун берилган ер участкала-

рига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда тўхтатдан ўтган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ қилинади. Бунда мазуру имтиёзлар солиқ тўловчининг танаши бўйича фақат битта ер участкасига берилди.

Рўйхатда бўлиш шарт эмас

САВОЛ: Тез тиббий ёрдам ҳодими Тошкент шаҳрида доимий ёки вақтинчалик прописка бўлмаган беморларни шифохонага қабул қилишмаслигини айтиди. Шу тўғрими?

Мадина ТУРОПОВА, Фаргона шаҳри

ЖАВОБ: Агар шахс тиббий кўрсатмаларга қўра шояшилгинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлса, фуқаролиги, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек,

олган ҳолда шояшилгинч равишда мурожаат этаётган беморлар оқимини тартибга солиш мақсадида шаҳар ҳудудидаги шояшилгинч тиббий ёрдам қўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларининг худудий жойлашуви ва ихтисослиги бўйича шартли дислокация-нади ва уларга беупул тиббий ёрдам қўрсатилади.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида доимий ва вақтинча яшовчи аҳоли сонининг кўпчилигини инобатга

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади

Очик аукцион савдосига фермер ҳўжаликлари ташкил этиш ва туман ҳокимлиги билан ер майдонига қўлидаги «Бозорлар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Бекobod тумани, «Давларзин» ҚФЙ, «Давларзин» фермерлар уюшмаси худудиндаги фаолият қириятган «САУРАТ ОМАД АГО» фермер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олган 29-пайка асосида жами 5,3 гектар, шундан 5,19 гектар ер майдониди «Бозор», бошланғич баҳоси — 5 295 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Бекobod тумани, «Давларзин» ҚФЙ, «Давларзин» фермерлар уюшмаси худудиндаги фаолият қириятган «САУРАТ ОМАД АГО» фермер ҳўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олган 18-25 апрел қунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истигани билдирган шахслар «Заказат пули тўғрисидаги келмушувни имзолаганидан сўнг» объект бошланғич баҳосининг 15 фозидан кам бўлмаган миқдордаги заказат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТЕ Тошкент шаҳар, Миробод филиалидаги 2020800080487649001 хисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида катнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги тўғривоманинг нусخаси, ишончли вақил иштирок этишида қонун билан белгиланган тартибда расмийлашгандаги ишончнома.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вақил иштирок этишида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазуру ҳужжатлар эълон қилинган кундан бошлаб, жамиятининг расмий иш кунида соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй, 1-қават, 16-қоғанда қабул қилинади ва савдондан бир кун кейин соат 16:00 да тухтаилади.

Қўшимча маълумотлари realtorservice@mail.uz ёки 147-40-00 телефон рақамини орқали олишингиз мумкин.</

